

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.32/30.12.2020.Yu.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХМЕДОВ ЖАМОЛИДДИН ДАВРОНОВИЧ**

**ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ СУДДА КЎРИШДА ДАЛИЛЛАРНИ  
БАҲОЛАШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Иқтисодий процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик  
жараёни ва медиация**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2022 йил**

УДК: 347.9(043.5)(575.1)

Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации

Content of the Doctoral (PhD) Dissertation

Ахмедов Жамолиддин Давронович Фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолашнинг процессуал масалалари.....	3
Ахмедов Жамолиддин Давронович Процессуальные вопросы оценки доказательств при рассмотрении гражданских дел в судах.....	25
Axmedov Jamoliddin Davronovich Procedural issues of evaluation of evidence during consideration of civil cases in the courts.....	45
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	49

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.32/30.12.2020.Үч.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ  
УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВ ЖАМОЛИДДИН ДАВРОНОВИЧ

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ СУДДА КЎРИШДА ДАЛИЛЛАРНИ  
БАҲОЛАШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МАСАЛАЛАРИ

12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Иқтисодий процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик  
жараёни ва медиация

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Уу247 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз) Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети веб-сайти ([www.jxu.uz](http://www.jxu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Эсанова Замира Нормуратовна  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Амнижоновна Матлюба Ахмедовна  
юридик фанлар доктори, доцент  
Хабибуллаев Давлатжон Юлчибоевич  
юридик фанлар номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона  
қўмитасининг Божхона институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети хузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.32/30.12.2020.Уу.74.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 «6» май соат 15.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100211, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-82; [jxu@umail.uz](mailto:jxu@umail.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2236-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (+99871) 230-32-71; факс: (+99871) 230-32-50).

Диссертация автореферати 2022 йил «21» 04 да тарқатилди.  
(2022 йил «20» апрелдаги 24 рақамли реестр баённомаси).

  
М.Х.Рустамбаев  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш раиси, юридик фанлар  
доктори, профессор

Ў.М.Давлетов  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш илмий котиби, юридик  
фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

М.Б.Усмонов  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, юридик фанлар доктори,  
профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашда судларнинг ҳақиқий мустақиллиги, қонунга ва виждонига таяниб ўз ички ишончи асосида қарор қабул қилиши одил судлов фаолиятига баҳо беришнинг муҳим мезонларидан бирига айланган. Хусусан, бугунги кунда Жаҳон одил судлов лойиҳаси (World Justice Project) ташкилотининг 2021 йилдаги нашрида Ҳуқуқ устуворлиги индекси (Rule of Law Index)да Дания, Норвегия, Финландия, Швеция, Германия каби ривожланган давлатларнинг “фуқаролик одил судлов” кўрсаткичлари юқори поғоналарда баҳоланаётгани<sup>1</sup>, электрон далиллар ва глобал ахборот тармоқлари орқали олинган рақамли далилларни баҳолаш мезонлари фуқаролик суд ишлари юритуви идентификациясига хизмат қилаётгани, далилларга оид муружаатлар “бир суд-бир инстанция” тамойили асосида тезкорлик билан ҳал этилаётгани, аудио ва видеоёзувларни судда далил сифатида баҳолашда ички ишонч ва виждон туйғуларидан ташқари исботлаш меъёрлари (standard of proof)га оид илғор механизмларни миллий қонунчилигимизга ва одил судлов амалиётига жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолашнинг процессуал жиҳатларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, фуқаролик ишлари бўйича судда исботлашнинг ноанъанавий механизмини, электрон далилларни баҳолаш муаммоларини, фуқаролик ишларини қайтадан кўриш жараёнида исботлаш босқичининг ўзига хослиги, бевосита суд жараёнида ашёвий далилларни баҳолашнинг процессуал хусусиятларини, тарафларнинг тушунтиришларида ҳақиқатни аниқлаш мезонларини такомиллаштириш бўйича илмий таҳлиллар қилиш устувор вазифа ҳисобланмоқда.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «...суд процессида томонларнинг ҳақиқий тенглик ва тортишув тамойилларини рўёбга чиқариш, суд тизимини босқичма-босқич рақамлаштириш» каби муҳим вазифалар белгиланган<sup>2</sup>. Бу эса, далилларни дастлабки баҳолаш институтини фуқаролик процессуал қонунчилигига жорий қилиш, далилларни тўплашда судья ёрдамчиси ваколатини кенгайтириш орқали судьянинг иш юкласини камайтириш, электрон

<sup>1</sup> <https://gtmarket.ru/ratings/rule-of-law-index>

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/5841063>



далилларни суд идораларининг ахборот платформалари («E-XSUD»), Ўзбекистон Республикаси Олий судининг интерактив хизматлари портали) орқали тақдим этиш, аудиовизуал далилнинг мақбуллиги бўйича рақамли суд экспертизаларини ўтказиш, далилларни ишончлилик мезони бўйича баҳолашда инновацион технологияларни жорий этишни илмий тадқиқ этиш зарурлигидан далолат беради.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонун, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Қонун, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонун, «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон, 2018 йил 13 июлдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5482-сон, 2020 йил 24 июлдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6034-сон Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3250-сон ва 2020 йил 3 сентябрдаги «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4818-сон Қарорларида ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг «I. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолашнинг процессуал масалалари бир қатор миллий процессуалист олимлар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, Ш.Шорахметов, С.Якубов, М.Азимов, Э.Эгамбердиев, Ф.Отахонов, М.Мамасиддиқов, З.Эсанова, Д.Хабибуллаев, Ф.Ибратова, Х.Кўчқоров, И.Салимова, О.Пирматов, Қ.Авезов, С.Марипова томонидан мазкур

мавзунинг айрим жиҳатларига оид тадқиқотлар амалга оширилган<sup>3</sup>. Жумладан, Ш.Шорахметов<sup>4</sup> ўқув адабиётларида, М.Мамасиддиқов<sup>5</sup> эса ўқув ва илмий асарларида исботлаш ва далиллар институтининг концептуал масалалари ёритилган бўлса, Э.Эгамбердиевнинг<sup>6</sup> асарларида даъволи ишларида далилларни баҳолашнинг процессуал хусусиятлари, С.Якубовнинг<sup>7</sup> тадқиқотларида фуқаролик процессуал ҳуқуқининг субъектлари томонидан далилларни тақдим этиш тадқиқ этилган. З.Эсанова, Д.Хабибуллаев, И.Салимова<sup>8</sup> томонидан яратилган монографик асарларда фуқаролик суд ишларини юритишда исботлаш ва далилларнинг вазифалари ҳамда хусусиятлари айрим турдаги фуқаролик ишлари мисолида тадқиқ этилган. Шу билан бирга О.Пирматов<sup>9</sup> иқтисодий ва фуқаролик суд ишларини юритишда электрон далилларнинг процессуал жиҳатларини ёритган бўлса, Қ.Авезов<sup>10</sup> томонидан судларда иқтисодий ва фуқаролик ишларини ҳал қилишда тарафларнинг тушунтиришларини баҳолаш жараёнига алоҳида аҳамият берилган.

Фуқаролик суд ишларини юритишда далилларни баҳолашнинг процессуал масалалари МДХ давлатларида М.К.Треушников, С.М.Михайлов, М.А.Фокина, Р.А.Чагаров, В.В.Спесивов, А.С.Штефан, В.В.Молчанов, И.М.Стрелов, И.В.Атаманчук, М.О.Гетманцев, П.Д.Шкурова, А.К.Жиренчин, К.И.Лельчицкий<sup>11</sup> каби олимларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган.

Хорижий давлатларда фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолашнинг процессуал масалалари С.Буздуган, S.S.Silbey, Valerie P.Hans ва Michael J.Saks, R.Allen, ва S.Jehl, P.Roberts, T.Anderson, D.Schum, and W.Twining, G.Gardiner, M.Goldring and W.Edmundson, P.Mc.Namara, R.Park, F.Picinali, M.Redmayne, G.Ribeiro<sup>12</sup> томонидан у ёки бу даражада ўрганилган.

Бироқ фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолашнинг принциплари, далилларни баҳолашнинг процессуал тартиби, электрон

<sup>3</sup> Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>4</sup> Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент. 2001. 530 б; Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. /Масъул муҳаррирлар: М.Мамасиддиқов, Д.Хабибуллаев. Тошкент, 2020. - 607 б.

<sup>5</sup> Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқ. Умумий қисм. - Тошкент: ТДЮИ, 2012. - 306 б; Мамасиддиқов М.М. Мехнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган етказилган зарарни судда ундиришнинг процессуал хусусиятлари: юрид. фан. док. дис. ... автореф. - Тошкент: ТДЮИ, 2009. - 41 б.

<sup>6</sup> Эгамбердиев Э. Фуқаролик жараёни ҳуқуқида даъво муаммолари: юрид. фан. док. дис. ... - Тошкент: 2007. - 44 б.

<sup>7</sup> Якубов С.А. Субъекты советского гражданского процессуального права. Ташкент: Изд-во ФАН. 1970. - 253 с.

<sup>8</sup> Эсанова З.Н., Хабибуллаев Д.Ю., Салимова И.М. Фуқаролик ишларини судда кўришда исботлаш ва далиллар. - Тошкент: ТДЮИ, 2015. - 23 б.

<sup>9</sup> Пирматов О.Ш. Иқтисодий ва фуқаролик суд ишларини юритишда электрон далилларнинг процессуал жиҳатлари: юрид. фан. фалсафа. докт (PhD). автореф. - Тошкент: 2020. - 15 б.

<sup>10</sup> Авезов Қ.С. Иқтисодий процессда тарафларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш мавзусидаги докторлик диссертацияси (PhD). - Тошкент: ТДЮИ. 2019

<sup>11</sup> Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>12</sup> Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.



далиллар ва интернет тармоғидаги далилларни баҳолашнинг процессуал жиҳатлари Ўзбекистон қонунчилиги асосида яхлит тарзда тадқиқ этилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари мавзусига мос келади. Тадқиқот ишининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Илмий кенгашининг 2019 йил 27 декабрдаги йиғилишида (5-сон баённома) тасдиқланган ва Университет илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолашнинг процессуал масалаларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

фуқаролик суд ишларини юритишда далилларни баҳолаш тушунчаси, мақсади ва принципларини тадқиқ этиш;

фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолашнинг аҳамиятини очиб бериш;

фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолаш мезонларини таҳлил қилиш;

тарафлар, учинчи шахслар ва улар вакилларининг тушунтиришларини баҳолашнинг процессуал хусусиятларини ёритиш;

ёзма ва ашёвий далилларни баҳолаш усуллари ва тартибини тадқиқ қилиш;

одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларнинг фаолиятини баҳолашнинг процессуал хусусиятларини аниқлаш;

айрим хорижий давлатларда фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолаш амалиётини ўрганиш;

фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолашга оид процессуал қонунчилик муаммоларини тадқиқ этиш;

фуқаролик процессида далил сифатида электрон ҳужжатларни баҳолаш ва суд амалиётига қўллаш муаммоларини ҳал этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолашнинг процессуал масалаларига оид фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолашнинг процессуал масалаларини ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ҳамда мавжуд концептуал ғоялар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида тарихийлик, тизимлилик, мантиқийлик, дедукция ва индукция, ижтимоий сўров,

шунингдек статистик, киёсий-ҳуқуқий, социологик таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ишда иштирок этувчи шахслар судгача бўлган жараёнда нотариал тартибда далилларни таъминлаш чораларини кўришга ҳақли эканлиги асослантирилган;

тарафлар ва учинчи шахслар тушунтиришлари деганда иш учун аҳамиятга эга ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни судга билдириш эканлиги, тарафлар, учинчи шахслар ва улар вакилларининг тушунтиришлари оғзаки тарзда ҳам, ёзма кўринишда ҳам берилиши ҳамда видеоконференцалоқа йўли билан олиниши мумкинлиги асослантириб берилган;

ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган чет давлатдан олинган ҳужжатлар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда легализация қилинган ҳоллардагина суд томонидан ёзма далил деб тан олиниши мумкинлиги ва уларга умумий асосларда баҳо берилиши асослантирилган;

аудио ёки видеоёзувни тақдим этган ёки уни талаб қилиб олиш тўғрисида илтимоснома берган шахс, ёзув қачон, ким томонидан ва қандай шароитларда (ҳолатларда) амалга оширилганлигини кўрсатиши шартлиги асослантирилган;

ҳар бир далил алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик нуқтаи назаридан, далиллар мажмуи эса – етарлилик нуқтаи назаридан баҳолашни лозимлиги, далилларга баҳо бериш мантиқий, ҳақиқий ҳолатга мувофиқ бўлиши, баҳо бериш натижалари эса суд ҳужжатида акс эттирилиши, агар суд ҳужжат қалбаки деган хулосага келса, уни далиллар қаторидан чиқариши лозимлиги асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

судьянинг ички ишончи субъектив ва объектив асосларга эга бўлади, шу боис судьянинг ички ишончи мазмун-моҳиятида билим, тажриба, малака, маҳорат, мушоҳада, таҳлил, ҳалоллик, адолат мезонларига оид бўлиши асослантирилди;

гувоҳнинг кўрсатувларини баҳолашда у томонидан тақдим этиладиган ахборотнинг манбаси кўрсатилиши ҳамда гувоҳ сифатида чакирилиши мумкин бўлмаган шахслар доирасини кенгайтириш ва гувоҳлик кўрсатувлари беришни рад этишга ҳақли бўлган шахслар рўйхатини қонунчиликда аниқ белгилашга оид таклифлар асослаб берилган;

Фуқаролик процессуал қонунчилик ва суд амалиётини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилган;

Фуқаролик процессуал кодексига «Электрон далиллар, электрон далилларни сақлаш ва қайтариш»га оид нормаларни киритиш зарурлиги асослаб берилган;



Фуқаролик процессуал кодексига далилларни олиш бўйича кўмаклашиш тўғрисидаги ҳакамлик судининг сўровларига оид қондаларни киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

хорижий тажрибани таҳлил этиш асосида далилларни баҳолашга оид илғор механизмларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш бўйича бир қатор тавсиялар илгари сурилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари миллий қонун нормалари, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотлар, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари асосида умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотда илгари сурилган таклифлар ва илмий хулосалардан фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолашнинг процессуал масалаларининг назарий асосларини такомиллаштиришда ҳамда фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолаш амалиётини шакллантиришда инobatта олиними мумкин.

Диссертацияда баён қилинган материаллардан «Фуқаролик процессуал ҳуқуқи», «Иктисодий процессуал ҳуқуқи» ва бошқа махсус фанларни ўқитишда, мавзуга оид илмий тадқиқот ишлари олиб боришда, қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот иши бўйича олинган натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

ишда иштирок этувчи шахслар судгача бўлган жараёнда нотариал тартибда далилларни таъминлаш чораларини кўришга ҳақли эканлигига оид таклиф Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 76-моддаси иккинчи қисмида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2021 йил 7 декабрдаги 05/1-01-207-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф далилларни таъминлаш чораларини такомиллаштиришга хизмат қилади;

тарафлар ва учинчи шахслар тушунтиришлари деганда, ушбу шахслар ва уларнинг вакиллари томонидан иш учун аҳамиятга эга ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни судга билдириш эканлиги, оғзаки тарзда ҳам ва ёзма кўринишда ҳам берилиши ҳамда видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиш йўли билан олиними мумкинлигига оид таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 19.12.2020 йилдаги 35-сон «Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича далиллар ва исботлашга оид қонун нормаларини қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда инobatта олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 26

ноябрдаги 11-81-21-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф далил сифатида тарафлар ва учинчи шахсларнинг тушунтиришлари шакли ва уларни олиш усулларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган чет давлатда олинган ҳужжатлар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда легализация қилинган ҳоллардагина суд томонидан ёзма далил деб тан олиними мумкинлиги ва уларга умумий асосларда баҳо берилиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 19 декабрдаги 35-сон «Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича далиллар ва исботлашга оид қонун нормаларини қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қароридан ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 26 ноябрдаги 11-81-21-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф чет давлатларда олинган ҳужжатларни далил сифатида тан олиш ва уларга баҳо беришнинг процессуал тартибини аниқлаштириш имконини берган;

ишда иштирок этувчи шахслар томонидан судга тақдим этилган, иш учун аҳамиятга эга бўлган маълумотларни ўзида сақлаган аудио ёки видеоёзувлар, электрон почта ёки бошқа ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган ёзишмалар суд томонидан бошқа далиллар мажмуида баҳоламини лозимлигига оид таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 19 декабрдаги 35-сон «Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича далиллар ва исботлашга оид қонун нормаларини қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қароридан акс эттирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 26 ноябрдаги 11-81-21-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф аудио ёки видеоёзувларни далил сифатида баҳолаш механизмларини аниқлаштиришга хизмат қилган;

ҳар бир далил алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик нуқтаи назаридан, далиллар мажмуи эса – етарлилик нуқтаи назаридан баҳоламини лозимлиги, далилларга баҳо бериш мантикий, ҳақиқий ҳолатга мувофиқ бўлиши, баҳо бериш натижалари эса суд ҳужжатида акс эттирилиши, агар суд ҳужжат қалбаки деган хулосага келса, уни далиллар қаторидан чиқариши Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 19 декабрдаги 35-сон «Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича далиллар ва исботлашга оид қонун нормаларини қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қароридан ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 26 ноябрдаги 11-81-21-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф далилларга баҳо бериш мезонларини аниқлаш ва уларни қўллашнинг процессуал тартибини такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуман, жумладан 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференция ва илмий семинарларда синовдан ўтган.



Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шу жумладан, 6 та илмий мақола (2 таси хорижий) 6 та илмий тўпламларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 175 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш (диссертация аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Тадқиқот ишининг биринчи боби «Фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолашнинг умумий тавсифи» деб номланиб, унда фуқаролик суд ишларини юритишда далилларни баҳолаш тушунчаси, мақсади ва принциплари, фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолаш мезонлари, фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолашнинг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ва таъминлашга қаратилган суд ҳужжатлари далилларга таянган ҳолда қабул қилинади. Суд ҳужжатларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлиги бевосита далилларга баҳо беришга боғлиқ бўлиб, адолатли, асосли ва қонуний қарор қабул қилинишини таъминлайди. Чунки, далилларга баҳо бериш фуқаролик процессуал ҳуқуқининг марказий институти ҳисобланади. Фуқаролик ишларини судда кўрилишида далилларни баҳолаш фуқаролик процессуал ҳуқуқидаги энг муҳим ва зарурий институтлардан бири саналади, чунки иш бўйича суд ҳужжатларини қабул қилишда унинг аҳамияти муҳим ўрин тутаяди. Диссертацияда фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолашга оид хорижий давлатларнинг (Россия, Украина, Франция, Германия ва бошқ.) қонунчилиги миллий қонунчилик билан қиёсий ўрганилган ва бир қатор ҳуқуқшунос олимларнинг (Ш.Ш.Шорахметов, А.В.Акопян, С.В.Курьев, А.И.Трусов, В.Т.Матюшин, Ф.Н.Фаткуллин, М.К.Треушников) фикрлари таҳлил қилиниб, фуқаролик суд ишларини юритишда далилларни баҳолаш тушунчаси муаллифлик таърифи билан бойитилган. Тадқиқот ишида, суд ҳар доим қонунга асосланиб, ўз ички ишончига таянган ҳолда далилларга баҳо беришлиги, бу жараёнида уни ҳар

тарафлама, тўлиқ, холис кўриб чиқишда мақбуллик, алоқадорлик, етарлилик ва ишонччилик каби принципларга риоя қилиниши қайд этилган.

Фуқаролик суд ишларини юритишда далилларга баҳо беришнинг энг муҳим талаби – бу унинг мезонлари ҳисобланади. Далилларга баҳо бериш мезонлари фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари ва принципларига асосланади. Ишда келтирилишича, фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчилик далилларни баҳолаш мезонларини қуйидаги мезонлар бўйича амалга оширилишини белгилаб берган: биринчидан, ҳар бир далил алоқадорлик бўйича; иккинчидан, ҳар бир далил мақбуллик асосида; учинчидан, ҳар бир далил ишонччилик юзасидан; тўртинчидан, далилларнинг мажмуида эса етарлилик нуқтаи назаридан баҳолалиши лозим.

Диссертацияда далилларни баҳолашнинг процессуал ҳуқуқий асослари шартли равишда уч гуруҳга ажратилади: фуқаролик суд ишларини юритишда далилларни баҳолашнинг умумий ҳуқуқий асослари; фуқаролик суд ишларини юритишда далилларни баҳолашнинг махсус ҳуқуқий асослари; фуқаролик суд ишларини юритишда далилларни баҳолашнинг халқаро ҳуқуқий асослари тадқиқ этилган. Тадқиқот ишида бир қатор ҳуқуқшунос олимларнинг (В.И.Миронов, М.П.Курилла, М.К.Треушников, Ю.П.Боруленков, Г.Л.Осокина, Д.Ю.Хабибуллаев) фикрлари таҳлил қилиниб, исботлашнинг мақсади қонунда белгиланган тартибда исботлаш предметига кирувчи ҳолатларни аниқлашдан иборат, деган хулосага келинади.

Тадқиқотнинг «Далилларнинг алоҳида турларини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари» номли иккинчи бобида тарафлар, учинчи шахслар ва улар вакилларининг тушунтиришларини баҳолаш, ёзма ва ашёвий далилларни баҳолаш усуллари ва тартиби, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларнинг фаолиятини баҳолаш каби масалалар тадқиқ қилинган.

Тадқиқотчи далилларни баҳолашда судьянинг ички ишончи олдиндан эмас, балки далилларни ўрганиб чиқиш асосида ишни кўриб чиқиш давомида шаклланиши лозим. Ҳар бир далилни алоҳида, далиллар мажмуини эса алоқадорликда ўрганиб чиқиб, суд иш учун аҳамиятли ҳолатларни ўрнатади ҳамда уларнинг исботланганлик даражасини аниқлайди. Судьянинг ички ишончи субъектив ва объектив асосларга эга бўлади. Ички ишончнинг объектив томони ишда мавжуд бўлган далилларни ҳар томонлама, тўлиқ, объектив ва бевосита ўрганиб чиқиш натижаларига асосланади. Суд учун далилларнинг олдиндан белгиланган кучга эга бўлмаслиги процесс яқунлангунга қадар ҳеч бир далил бошқа далилга қараганда баҳолаш жараёнида устун ўринга эга бўлмаслигини; ҳеч бир далил энг ишонччи деб баҳоланмаслиги кераклигини; ҳар бир далил бошқа далиллар билан бир қаторда кучга эга бўлишини аниқлатади. Тарафлар ва учинчи шахслар тушунтиришларини баҳолаш бевоситалик принципага риоя этган ҳолда Фуқаролик процессуал кодексини (кейинги ўринларда ФПК)нинг 13 ва 81-



моддалари талабларига мувофиқ амалга оширилади. Дастлаб, тарафлар ва учинчи шахсларнинг тушунтиришлари кўриб чиқиладиган иш бўйича раислик қилувчининг маърузасида текширилади, ушбу тушунтиришлар ёзма шаклдаги даъво аризасида ва жавобгар эътирозидида акс этади. Шундан сўнг раислик қилувчи тарафлар ва учинчи шахслар даъво талаблари ҳамда эътирозларини қўллаб-қувватлаши масаласини аниқлайди, деб таъкидлаб ўтган.

Тадқиқот ишида ҳуқуқшунос олимларнинг (З.Н.Эсанова, Д.Ю.Хабибуллаев, Ш.Ш.Шорахметов, А.Г.Коваленко, М.К.Треушников) фикрларини таҳлил қилиш асосида тарафлар, учинчи шахслар ва улар вакилларининг тушунтиришларини баҳолашнинг процессуал жиҳатлари ёритилган. Тадқиқотчининг фикрича, судлар ҳиссиётлар, шахсий нуқтан назарга эътибор қаратмаган ҳолда бошқа далиллар билан биргаликда фактларни аниқлиги, кетма-кетлиги, мантиқийлигини ҳисобга олиб, фақатгина далил сифатидаги фактлар ҳақидаги маълумотларни баҳолаши зарур, деб ҳисоблайди. Шунингдек тадқиқотчи томонидан, ишда тарафлар, учинчи шахслар ва улар вакилларининг тушунтиришларини баҳолашда «ёлгон» даражаси, унинг турлари ва уни аниқлашнинг процессуал тартиби борасидаги фикрлар илгари сурилган.

Диссертацияда ёзма ва ашёвий далилларни баҳолашга оид ФПКнинг 84-моддаси танқидий таҳлил қилинади ва муаллиф ёзма далиллар таърифи ушбу далилларнинг муҳим хусусиятларини акс эттирмаслиги, ФПКда турли хил далилларга таъриф бериш бўйича стандарт ёндашув йўқлигига эътибор қаратади. Бундан ташқари, тадқиқотчининг таъкидлашича, процессуал қонун ҳужжатларида уларнинг муҳим хусусиятларини очиб берадиган аудио ва видеоёзувлар тушунчалари мавжуд эмас.

Муаллифнинг фикрича, ёзма далилларни шакллантиришнинг зарурий шarti инсоннинг ўз фикрларини ёзма шаклда ифода этиш қобилияти ҳисобланади. Агар фикрлар ифода этилмаса – ахборот узатиш ҳам мавжуд бўлмайди, бу фактлар тўғрисидаги маълумотларнинг ифода шакли ҳам мавжуд бўлмаслигини назарда тутати. Ёзма далилни тузишда қандай ахборот қайд этилиши, қандай маълумотлар ўз аксини топмаслиги кўп жиҳатдан уни тузувчи шахснинг хусусиятларига, хусусан билими, тажрибаси, саводхонлиги, иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш, муҳим бўлмаган ҳолатларни истисно этиш қобилиятига боғлиқ бўлади, яъни ҳужжат тузган шахснинг субъектив хусусиятларидан келиб чиқиб шаклланади. Ёзма далиллардан фарқли ўлароқ, аудио ва видеоёзувларнинг мазмуни ва ишончлилиги, уни ёзиб олаётган шахс хусусиятларига боғлиқ бўлмайди.

Суд томонидан аудио ва видеоёзувларни текширишнинг процессуал тартиби ёзма далилларни текшириш тартибидан фарқланади. Бундай фарқлар аудио ва видеоёзувларда қайд этилган ахборотни ўзига хос жиҳатларидан, шунингдек иш ҳолатларини махсус техник воситаларсиз мустаҳкамлаш имкони йўқ эканлигидан келиб чиқади. Диссертацияда амалга оширилган таҳлиллар натижасида аудио ва видеоёзув тушунчасининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

Тадқиқотчининг фикрича, фуқаролик процессида ашёвий далил бўлиши мумкин бўлган объекларнинг тугал рўйхатини қонунда мустаҳкамлаш имкони йўқ. Ашёвий далилнинг илмий таърифлари ва ФПКда қўлланиладиган «предмет» тушунчаси шартли ҳисобланиб, далил сифатида ер участкалари, турар ва нотурар жойлар, ҳайвонлар, яъни предмет бўлиши эҳтимолдан йироқ бўлган объектлар ҳам чиқиши мумкин. Ҳар хил объектлар содир бўлган ҳаракатлар, ҳодисалар, воқеаларни акс эттириш имконига эга бўлганлиги сабабли ашёвий далил сифатида ишлатилиши мумкин.

Муаллиф фикрича, фуқаролик процессида одил судловни амалга ошириш процесс барча иштирокчилари учун хосдир. Бунда суд, ишда иштирок этувчи шахслар билан бирга муайян шахслар одил судловни амалга ошириш учун жалб қилинади. Бу шахслар ўзларининг тушунтиришлари, кўрсатувлари ва далилларни тақдим этишлари орқали одил судловни амалга оширишга кўмаклашишади. Диссертацияда ҳуқуқшунос олимлар (О.Н.Городнова, А.А.Макарушкова, Я.Н.Куемжиева, З.Н.Эсанова, Д.Ю.Хабибуллаев, И.М.Салимова, В.В.Молчанов) томонидан билдирилган фикрлар ўрганилиб, гувоҳ сифатида чақириладиган шахс ишга далхдор бўлган ҳолатлар ҳақида маълумот бера олиши лозимлиги таъкидланади. Бу маълумотларнинг ишни ҳал қилишга қанчалик фойдали эканлиги, тарафлардан қайси бирининг важдари ва фикрларини қўллаб-қувватлашига суд томонидан баҳо берилиши лозим бўлади. Ишда амалга оширилган таҳлиллар асосида ФПКнинг 56-моддаси биринчи қисмини янги таҳрирда ифодалаш асослаб берилган. Қолаверса, диссертацияда бир қатор хорижий мамлакатлар (Латвия, Беларусь, Озарбайжон) процессуал қонун ҳужжатларида гувоҳ сифатида сўроқ қилинмайдиган шахслар рўйхатига оид қондалар миллий қонунчилик билан қиёсий таҳлил қилиниб, ФПКнинг 56-моддасининг иккинчи қисмини тўртинчи хатбоши билан тўлдириш лозимлиги ва ушбу норманинг мазмуни келтирилган. Шу билан бирга тадқиқот ишида эксперт ва мутахассис ҳулосасини баҳолашнинг процессуал хусусиятлари ҳам тадқиқ қилинган.

Диссертациянинг учинчи боби «Фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолаш борасида хорижий давлатлар тажрибаси ва миллий процессуал қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари»га бағишланади. Унда айрим хорижий давлатларда фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолаш амалиёти, фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолашга оид процессуал қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари, фуқаролик процессида далил сифатида электрон ҳужжат айланиши, баҳолаш хусусиятлари ва қўллаш муаммолари таҳлил қилинган.

Ҳозирги кунда замонавий ахборот технологиялари ҳаётимизнинг деярли барча жабҳаларини эгаллаб олган ахборот даврида яшамоқдамиз. Ушбу ахборот технологияларида сақланган ёки қайта ишланган маълумотлар жинорий ва фуқаролик суд ишларида муҳим далил манбаига айланди. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда



ҳужжатларни автоматлаштириш шу қадар кенг тарқалганки, товарларни сотиб олиш, банк ҳисобларидан нақд пул олиш ва ҳатто телефон кўнғирокларини амалга ошириш каби кўплаб қундалиқ жараёнлар инсоннинг чекланган аралашуви ёки умуман аралашувисиз автоматик равишда қайд қилинадиган ва сақланадиган маълумотларни яратади.

Диссертацияда фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолашга оид кўплаб хорижий мамлакатлар (Буюк Британия, Австралия, Франция ва бошқ.) қонунчилиги таҳлил қилинган. Бунда Буюк Британия қонунчилиги ёзма ҳамда аудио ва видеоёзувларга далил сифатида баҳо бериши, Австралия банкларининг бухгалтерия ёзувлари учун чиқарилган ўрта компьютер вароқларининг далил сифатида баҳоланиши, Францияда далилларни баҳолашнинг икки босқичли тизими амал қилиши, фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолашга оид Европа суди амалиёти таҳлил қилинган.

Диссертант фикрича, фуқаролик ишларини судда кўришда далилларни баҳолашнинг ўзига хос процессуал тартиби белгиланган ва тегишли процессуал ҳаракатларни амалга оширишни тақозо этади. Далилларга баҳо беришда қонунчиликда белгиланган мезонлар ва принципларга риоя этган ҳолда судьянинг ички ишончига таяниши ва виждонига кўра иш тутиши муҳимдир. Далилларни баҳолаш ақлий фаолият хусусиятларига эга, лекин моҳиятан у процессуал фаолият бўлиб, бу баҳолашнинг ҳуқуқий соҳа доирасида амалга оширилиши билан тасдиқланади ва фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари нормалари билан тартибга солинади.

Тадқиқотчининг фикрича, судда эксперт хулосаларини баҳолашга қараганда гувоҳлар кўрсатувларини баҳолаш шакл ва мазмунга кўра анча эркин ва доираси кенг. Илмий манбаларни таҳлил қилиш натижаларига кўра, ФПКда гувоҳларнинг кўрсатувларини баҳолашда суд қуйидаги хулосаларга келиши мумкинлиги ўрганилган: 1) тоифали хулоса (ижобий ёки салбий); 2) мумкин бўлган хулоса; 3) қўйилган саволларга жавоб беришнинг мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулоса; 4) шартли хулоса чиқариш.

Далилларни баҳолашда мол-мулкни асоссиз эгаллашга оид далилларга баҳо бериш ўзига хос мураккаблик касб этишидан келиб чиқиб, муаллиф ФПКнинг 80-моддасини қуйидаги мазмундаги ўнинчи қисм билан тўлдиришни таклиф этган: «Мол-мулкни асоссиз олинган деб топиш ва уларни давлат даромадига ундириш тўғрисидаги ишларда суд далиллари бошқа тарафнинг далиллари тўпламига нисбатан ишончлироқ бўлган тараф фойдасига ҳал қилув қарори чиқаради». Фуқаролик ишларини судда кўришда тарафлардан бирининг фактни тан олишига оид қоидаларни такомиллаштириш нуқтаи назаридан диссертацияда ФПКнинг 81-моддасини тўртинчи қисм билан тўлдиришни таклиф этилган. ФПКда аудио ва видеоёзувларга оид алоҳида қоидалар назарда тутилмагандан келиб чиқиб, тадқиқот ишида ФПКга «Аудио ва видеоёзув асосидаги ашёвий далил» номли 91<sup>1</sup>-модда киритиш таклиф этилган. Шунингдек, муаллиф томонидан

ФПКда қиёсий ўрганиш учун ҳужжат намуналарини олишга оид қоидалар белгиланмаганлигидан келиб чиқиб, ФПКни «95<sup>1</sup>-модда. Ҳужжатни ва ҳужжатдаги имзони қиёсий экспертизадан ўтказиш учун қўлёзма намуналарини олиш» номли модда билан тўлдириш асослантирилган. Бундан ташқари, далилларни олишда ҳакамлик судларига кўмаклашишга оид муносабатларни тартибга солувчи қоидали ФПКда ифодалаш учун уни «104<sup>1</sup>-модда. Далилларни олиш бўйича кўмаклашиш тўғрисидаги ҳакамлик судининг сўровлари» зарурати асослаб берилган.

Муаллифнинг ёзишича, электрон ҳужжатни далил сифатида ишлатишда судьялар дуч келиши мумкин бўлган муаммолардан бири сифатида мустақил далил тури сифатида – ФПКда мустаҳкамланган электрон далилларни, шунингдек «электрон ахборот ташувчиси» концепциясини қонуний мустаҳкамланмаганлиги билан боғлиқдир. Шу сабабли ФПКга «Электрон далиллар» номли 91<sup>2</sup>-моддани киритиш таклифи илгари сурилган. Шунингдек тадқиқотчининг фикрича, «Электрон ҳужжат – электрон ҳужжат айланиш жараёнида пайдо бўлган ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ахборот» сифатида тушунишни таклиф қилган. Бундан ташқари, электрон далилларнинг хусусиятлари уни анъанавий ёзма далиллар билан бир хил деб эътироф этишга имкон бермайди ва иккинчисининг ҳуқуқий режимини электрон ҳужжатга кенгайтириш ноўрин деб ҳисоблайди. Мазкур таҳлиллардан келиб чиқиб, ФПКга «Электрон далилларнинг асл нусхаларини сақлаш ва қайтариш» номли 91<sup>3</sup>-моддани киритиш таклиф этилган.

## ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги умумназарий хулосалар, моддий ва процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклифлар ҳамда суд амалиётини янада ислоҳ қилиш ва соддалаштиришга қаратилган тавсиялар илгари сурилган:

### I. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи назариясини ривожлантиришга қаратилган илмий-назарий хулоса ва тавсиялар:

1. Фуқаролик ишларини судда кўриб чиқиш ва ҳал қилишда далилларни баҳолаш исботлаш жараёнининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, ўзи мустақил жараён бўла олмайди ҳамда мазкур институт мазмунида мантиқий, психологик, процессуал-ҳуқуқий фаолият ётади. Шу маънода далилларни баҳолашга қуйидаги яхлит илмий таъриф ишлаб чиқилди:

*Далилларни баҳолаш – процессуал талаблар мажмуига амал қилган ҳолда фикрлаш фаолияти орқали амалга ошириладиган судьялар тафаккури жараёнининг натижасидир.*

2. Тадқиқотчи далилларни баҳолашнинг процессуал шаклини қонунчилик билан тартибга солиш судларнинг баҳолашни амалга оширишдаги эркинлигини чекламайди, аксинча ушбу фаолиятни тартибга



солиб, муайян тизимликни таъминлайди, деган хулосага келади. Далилларни баҳолаш жараёни процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ва мезонлар доирасида, ҳар қандай ташқи таъсирлардан холи бўлиши лозим.

3. Далилларни баҳолашнинг процессуал ҳуқуқий асослари шартли равишда куйидаги уч гуруҳга ажратилади: 1) фуқаролик суд ишларини юритишда далилларни баҳолашнинг умумий-ҳуқуқий асослари; 2) далилларни баҳолашнинг махсус-ҳуқуқий асослари; 3) далилларни баҳолашнинг халқаро-ҳуқуқий асослари.

4. Тадқиқотчи таҳлиллар натижасида аудио ва видеоёзув тушунчасига куйидаги муаллифлик илмий таърифни беради:

*Далил сифатида аудио ёзув деганда махсус техник воситалар ёрдамида моддий-техник ташувчиларга узилшисиз қайд этилган (динамика овозлар ахборот), қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда олинган, ишни тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш учун аҳамиятли овозлар тушунилади.*

*Далил сифатида видеоёзув деганда, махсус техник воситалар ёрдамида моддий-техник ташувчилар сифатида қайд этилган, қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда олинган, вақт бўйича узилшлар мавжуд бўлмаган, ишни тўғри кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун аҳамиятли бўлган тасвирий (визуал) шаклдаги ахборот тушунилади.*

5. Тадқиқотчи ашёвий далиллар суд томонидан бошқа далиллар билан биргаликда баҳолаши шарт, деган хулосага келади. Суд мажлисида ашёвий далиллардан олинган маълумотларни бошқа далиллар билан таққослаш натижасида ашёвий далиллар билан ишнинг муайян ҳолати тасдиқлангани ёки тасдиқланмаганлиги ҳақида манتيқий хулоса чиқарилиши шарт.

6. Муаллиф эксперт хулосасининг ишончилиги мезонлари қаторига куйидагилар киради деган хулосага келади: а) илмий асосга эгалик; б) асослантирилганлик; в) ҳар томонламалик; г) ишончилилик; д) тўлиқлилик; ё) холислик; ж) тадқиқотнинг уни ўтказган шахснинг ваколатига мувофиқлиги; з) экспертиза ўтказишда эксперт томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига риоя этилиши; и) мақбуллиги; й) хулосаларнинг тадқиқот мазмунига мувофиқлиги.

7. Муаллиф далилларни баҳолашнинг ички тизимининг асоси сифатида «Ички ишонч – исботлаш субъектининг далил тушунчасининг мазмунини ташкил этувчи зарур ва етарли элементларнинг сифати ва миқдорига барқарор ва ахлоқий асосланган руҳий муносабатидир», деган хулосага келади. Ички ишонч – бу объектив (билим, баҳоладиган маълумотларнинг манбаи ва сифати) ва субъектив белгиларни (инсоннинг ҳиссиёт ва ҳис-туйғулар шаклидаги руҳий ҳолати ва ихтиёрий элемент) ўзида мужассам этган мураккаб ҳодиса. Ички ишонч унинг барча элементларининг комплекс ривожланиши ва ташқи таъсирнинг йўқлиги билан шаклланиши мумкин.

8. Тадқиқотчи, далилларни баҳолаш мезонлари индивидуал ва тизимли мезонлардан ташкил топган мураккаб тузилмадир. Баҳолаш мезонларининг мавжудлиги шундан далолат берадики, улар дастлаб судьянинг қарори учун асос яратади, далилларни баҳолаш қоидаларини белгилайди. Далилларни

баҳолаш мезонлари судга аклий фаолиятнинг маълум бир тартибига йўналтирилганлигини кўрсатади. Бу далилларни баҳолаш мезонлари ва тизимлари ўртасидаги боғлиқликдир. Мезонлар ташқи баҳолаш тизимидан келиб чиқади, аммо далилларни баҳолаш муайян далилларни баҳолашнинг ички тизими туфайли шаклланади ва ривожланади, бу эса судьянинг эркин муносабатида намоён бўлади. Далилларни баҳолаш мезонлари ва тизимларининг ўзаро боғлиқлиги фуқаролик ишларининг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ҳал этилишини таъминлайди, деб ҳисоблайди.

